ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

19 март, пайшанба 1998 йил №32 (534)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

2-бетда
ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

3-бетда
ЯХШИ ХУЛҚ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

4-бетда
КИКБОКСИНГ ЮЛДУЗЛАРИ ЕТИШМОҚДА

## ВАЗИРЛАР БИШКЕКДА УЧРАШДИЛАР

Бишкек, 17 март. Қирғизистон пойтахтида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Қозоғистон Бош вазири Н.Балгимбаев ва Қирғизистон Бош вазири А.Жумагулов бошчилигидаги делегациялар иштирок этди.

Музокаралар чоғида мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Жумладан, халқаро консорциумлар ташкил этиш бўйича таклиф, шунингдек Сирдарё ҳавзаси сув-энергетика ресурсларидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат инъомларидан тўғри фойдаланиш каби масалалар, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳаларида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон республикаларининг ҳамкорлик дастури тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар лойиҳалари ҳамда кун тартибидаги бошқа қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Музокаралар натижасига кўра тегишли ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон бош вазирлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашар эканлар, улар иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар ва интеграцион жараёнларнинг бундан буёнги ривожланиши мамлакатларимиз олдидаги мақсадларга тезроқ эришишига ёрдам беришига ишонч билдирдилар.

Шу куни уч Марказий Осиё давлатлари ҳукумат делегациялари раҳбарлари Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев томонидан қабул қилиндилар. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этган мамлакатлар саноат корхоналари ишини янада кучайтириш масалалари, шунингдек шу ойнинг охирларида Тошкентда бўлиши мўлжалланган Давлатлараро Кенгаш мажлисига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

**Баҳодир МАМАЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА махсус мухбири.**

## ЭР-РИЁЗДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Саудия Арабистони Подшоҳлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот маросими пойтахтнинг дипломатлар мавзесидаги Ал-Товаийқ саройида ўтказилиб, мамлакат жамоатчилиги ҳамда дипломатик корпус вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Маросимни Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги элчиси Солиҳ Иноғомов очди.

Йиғилганлар подшоҳ Сауд номидаги университет доктори Солиҳ ал-Хатлан маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар. Унинг таъкидлашича Ўзбекистон нафақат географик жойлашуви билангина Марказий Осиёда стратегик муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакат улкан табиий-иқтисодий ресурсларга, кучли инсоний салоҳиятга, бой тарихий ва маданий меросга эга.

Олим китобнинг айрим бўлимлари ҳақида тўхталиб, мамлакатимиз раҳбарининг этник ва диний қарама-қаршиликлар, экстремизм ва ҳар қандай минтақавий зиддиятларни ўз ичига олган хавфларни чуқур англашига диққатни қаратди. У айниқса, китобда Марказий Осиёнинг ёш давлати олдида турган муаммолар ва қийинчиликлар билан бирга уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилганлигини таъкидлаб ўтди.

Доктор ал-Хатлан Ўзбекистон Президентининг ушбу асари Саудия Арабистони ва бошқа араб мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этишини айтди. Китоб минтақанинг бошқа давлатлари тўғрисида ҳам кўплаб маълумотлар беради. Шу муносабатлар билан у ватандошларини — олимлар ва журналистларни бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ҳақиқий аҳволини жуда эътибор билан ўрганишга, у ерда содир бўлаётган сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ёритишга чақирди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Малайзия, Россия, Туркия ва Украинанинг дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг китобига юксак баҳо бердилар.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

*Иқтисодиёт хабарлари*

## ПЕШҚАДАМЛИКНИ КЎЗЛАБ

Қорақалпоғистондаги турдош корхоналар орасида энг йириги ва пешқадами ҳисобланган «Қўнғиротун» ҳиссадорлик жамияти жамоаси март ойидан бошлаб юқори суръат билан ишламоқда. Бу ерда биринчи марта ҳар куни 100 тонна ун ишлаб чиқаришга эришилди.

Корхона ўтган йилни жуда катта меҳнат ютуқлари билан якунлаб, салкам 20 минг тонна ун, 150 тонна макарон маҳсулотлари тайёрлаб истеъмолчиларга жўнатган эди. Натижада олинадиган даромад миқдори ҳам кескин ортди. Ҳар қачонгидан ҳам кўп - 30 миллион сўмдан зиёдроқ соф фойда олишга муваффақ бўлинди. Шунча фойданинг 5 миллион 272 минг сўми ҳиссадорларга дивиденд учун берилиши айни муддао бўлди. Чунки жамоа ҳар бир аъзосининг ишончи мустаҳкамланди. Йил сайин манфаатдорлиги ортиб боргач, ишлаб чиқаришга муносабати ҳам ўзгарди, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни асосий мақсад қилиб қўйди.

Корхонага хориждан асосан, Германиядан ғалла сотиб келтирилар эди. Ўтган йилдан эътиборан бунга чек қўйилиб, ҳозир мамлакатимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларидан Қорақалпоғистоннинг Чимбой, Беруний ва Қонликўл туманларидан келтирилган хом ашёлар қайта ишланмоқда.

Ҳамиша пешқадамликка интилаётган корхона аҳил жамоаси умумхалқ байрами - Наврўзгача йилнинг биринчи чораги режасини ортиғи билан уддалаб чиқишни мўлжаллаб фидокорона меҳнат қилаётир.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири**

## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Республика мустақиллиги 6 йиллиги арафасида Жиззах шаҳрида троллейбус қатнови йўлга қўйилган эди.

Наврўз байрами арафасида яна 3,5 километрлик масофада троллейбус қатнови қатнайдиган бўлди. Бу билан шаҳарнинг Жанубий қисмида истиқомат қилувчи аҳолиси Олмазор маҳалласига анча арзон транспорт хизматидан баҳраманд бўладиган бўлди.

Вилоят ҳокимлиги ана шу мақсадда 15 миллион сўмлик маблағ сарфлади.

Қурилиш ишлари Жиззах вилоят ҳокимлиги қурилиш бошқармаси томонидан амалга оширилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши депутатлари Чжу Жунцзи номзодини Хитой Давлат Кенгаши раислигига лойиқ деб топдилар. Бу лавозимни эгаллашидан олдин Чжу Жунцзи Давлат Кенгаши раисининг ўринбосари вазифасида эди.**

***

*Россия президенти Борис Ельцин саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли, бугунга режалаштирилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарлари учрашувини бошқа кунга қолдириш ниятини билдирди. Президент қаттиқ шамоллаб қолган.*

***

**Косово албанлари серб ҳукумати вакиллари билан учрашишдан яна бош тортдилар. Сербия Бош вазири ўринбосари Радко Марковичнинг айтишича, албанлар музокараларга рози бўлмай, ўз манфаатларига зид иш тутмоқдалар.**

***

*Мисрнинг жанубий ҳудудида ислом экстремистлари ва полиция ўртасида қонли тўқнашув бўлиб ўтди. Оқибатда уч нафар полициячи ва тўрт нафар экстремист ҳалок бўлган.*

***

**Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарини давом эттирмоқда. У Исроилда бўлганида Қуддус шаҳрида яҳудийлар учун қурилаётган уйларни бориб кўрди. Робин Кукнинг баёнот беришича, Қуддусда яҳудийлар учун турар жойлар қурилиши Исроил-Фаластин тинчлик келишувларига зид келади.**

***

*25 март куни Германия пойтахти Бонн шаҳрида Косово атрофидаги можароларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган махсус йиғилиш бўлиб ўтиши кутилмоқда. Мазкур анжуманда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним ҳам иштирок этиш ниятини билдирди.*

***

**Арманистонда ўтказилган президент сайловларининг дастлабки натижаларига кўра мамлакат Бош вазири Роберт Качарян ҳозирча ғалаба қозониб турибди. У бошқа номзодлардан 39 фоиз кўп овозга эга бўлган.**

*Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.*

*Байрам нафаси*

## БАҲОР ТАНТАНАСИ

Мустақиллик шарофати билан халқимиз Наврўзни ҳар йили катта тантаналар билан нишонламоқда. Бу йил ҳам ушбу байрамни ўзгача кўтаринкилик билан қаршилаётирмиз. Ҳаётимизда юз бераётган янгиланишлар, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар эса байрам шукуҳини янада оширмоқда. Улуғ айём арафасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатия ваколатхоналари, хорижий ташкилотлар вакиллари ҳам ўз қувончларини биз билан баҳам кўрмоқда.

ЎзА мухбирининг Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мелкулангара Кумаран Бхадракумар билан суҳбати ҳам халқимизнинг қадимий байрами - Наврўз ҳақида кечди.

- Наврўз ҳақида гапирганда, аввало, шуни таъкидлашни истардимки, у бошқа байрамлар сингари халқнинг ғурурини намоён қиладиган, қалбини тўлқинлантирадиган, яратувчилик ишларига илҳомлантирадиган гўзал, беғубор айёмдир. Наврўзда барча эзгу ҳислатлар мужассам. У баҳор тантанасидир. Биласизми, Наврўз шодиёнаси Ҳиндистоннинг жанубий вилоятларида ўтказиладиган Онам байрамини ёдимга солади. Бу байрамда ҳам дўстлик, тинчлик, меҳнат ютуқлари, халқнинг орзу-умидлари куйланади. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан қутлайман. Бу шукуҳли айёмда халқингизнинг қувончига шерик бўлаётганимдан чексиз бахтиёрман.

**- Жаноб Бхадракумар, Ўзбекистонда элчилик фаолиятини олиб бораётганингизга ҳам анча вақт бўлди. Табиийки, Ўзбекистондаги янгиланиш жараёни, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлардан огоҳсиз. Шу ҳақдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

- Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги икки ярим йиллик фаолиятим даврида бу ерда улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон қисқа вақтда катта муваффақиятларга эришди. Айниқса, сўнгги икки йил ичида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Айрим қўшни юртларда миллий, диний ва этник можаролар бўлиб турган бир пайтда, Ўзбекистон тинчлик ва барқарорлик макони сифатида изчиллик билан ривож топиб бораётир. Бу Ўзбекистон ҳукумати, хусусан Президент Ислом Каримов юритаётган доно сиёсат мевасидир. 1998 йил Президентингиз томонидан Оила йили деб эълон қилингани ҳам юксак эътиборга лойиқ.

**- Элчи жаноблари фурсатдан фойдаланиб Сизни, Сиз раҳбарлик қилаётган ваколатхона ходимларини яқинда мамлакатингизда бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари билан табриклашга рухсат этгайсиз. Мазкур йирик тадбирнинг ўзига хос томонлари, мамлакатингиз ва халқингиз учун аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз?**

- Ҳиндистонда - ярим асрлик мустақиллик шароитида демократия тамойиллари чуқур илдиз отди. Амалдаги конституцияга биноан, ҳар бир фуқаро эркин овоз бериш йўли билан халқ ноибларини сайлаш ҳуқуқига эга. Бунда диний эътиқоди, тили, касби, миллатидан қатъи назар сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар - карийб 600 миллионга яқин аҳоли иштирок этади.

Сайлов натижаларига келсак, бу сафар бирор партия ўз ҳукуматини тузиш ҳуқуқига эга бўлиш учун етарли овоз тўплай олмади. Эндиликда мамлакатни коалицион ҳукумат бошқариши эҳтимоли бор. Агар шундай бўлса, Ҳиндистонда илк бор коалицион ҳукумат юзага келади. Бу ҳолда ҳукумат аъзолари сиёсий қарашларидан қатъи назар ўзаро келишув йўлларини изласагина муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин. Ўзаро келишув, ҳамжиҳатлик эса мамлакат яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг зарур омиллардан биридир.

**- Сизнингча, янги ҳукумат Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларида қандай ўзгаришлар ясаши мумкин?**

- Аминманки, Ҳиндистонда ҳукуматга қандай партия келишидан қатъи назар, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораверади. Чунки, ўзаро алоқаларимиз мустаҳкам пойдеворга, тарихий илдизга эга. Ҳиндистон халқи ҳамиша Ўзбекистон халқига нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Башарият тараққиётининг ўчоқларидан бири бўлган Туркистон ўзининг гўзаллиги ва жозибадорлиги билан ҳиндистонликларни ҳамиша ўзига мафтун этади.

**ЎзА мухбири Саидмурод РАҲИМОВ суҳбатлашди.**

## НАВРЎЗ ШАРАФИГА

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари юртимизнинг ардоқли байрамларидан бири Наврўз шарафига ранг-баранг тадбирларни ўтказмоқдалар. Жумладан, давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ночор оилаларга ва кўп йиллар ишлаб нафақага чиққанларга моддий ёрдам учун 15 минг сўм, Хива туманидаги қариялар уй-интернатига 10 минг сўм ажратди. Маҳаллий саноат, маиший хизмат ва коммунал хўжалиги соҳаларида ишлаб пенсияга чиққанлар, меҳнат фахрийлари кам даромадли оилалар ёлғиз оилаларга Наврўз шарафига моддий ёрдам учун 180 минг сўм берилади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси эса Урганч шаҳар болалар уйига 4000 сўм, Меҳнат фахрийларига 15 минг сўм, кам даромадли оилаларга 30 минг сўм пулни моддий ёрдам тариқасида берди.

Касаба уюшмалари халқ таълими ходимларини ҳам Наврўз арафасида моддий ёрдам, бошқа хайрия тадбирлари билан сийлашди. Шу мақсадлар йўлида 350 минг сўм пул ажратилди.

**Шихназар АҲМЕДОВ.**

## КЎРГАЗМА

Наманган шаҳридаги «Тумор» расмлар галереясида баҳор байрами - Наврўзга бағишланган навбатдаги кўргазма очилди. Кўргазмага яхши танилган ва эндигина қўлига мўйқалам олган наманганлик мусаввирларнинг асарларидан ташқари, бошқа жанрлардаги, ҳусусан графика ва ҳайкалтарошлик асарлари ҳам қўйилган.

Кўргазмада халқ амалий санъати усталари асарларига катта ўрин берилган. «Тумор» галереясида жами 50 дан ортиқ санъаткорнинг иши намойиш этилмоқда.

Энг яхши деб эътироф этилган асарлар Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган республика кўрик-танловининг якунловчи босқичида намойиш этилади.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Тараддуд*

## УЧ ҒОЛИБГА УЧ СОВҒА

Узун туманида ободонлаштириш ойлигини ўтказиш одатга айланган. Бу йил ҳам ободонлаштириш ойлиги ўтмоқда. Ҳар йилгидек бу ойлик якуни Наврўз шодиёнасида кўриб чиқилади. Фарқи шуки, уч ғолиб аниқланиб, улар муносиб тақдирланадилар.

Биринчи ўринга гилам қўйилди. Иккинчи ўринга бир сидра сарпо - чопон-дўпписи билан ва учинчи ўринга палос мукофот қилиб белгиланди.

Айни кунларда туманнинг ҳар бир меҳнат жамоаси ўзлари яшайдиган маҳалла ва иш жойларини ободонлаштириш ҳамда тозалигини таъминлаш учун бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар. Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатларининг экилиши эса туман чиройини очади, албатта.

**М.БОТИРОВ,**
**Узун тумани.**

## МЕҲНАТ ҚАДР ТОПСА...

**Қаерда ишчи меҳнати қадрланса, ўша ерда ютуқлар кўзга ташланади. Меҳнатга муносабат яхшиланади. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш муҳим вазифалардан саналади.**

**Хўш, бу борада «Наманганвилоятгаз» бошқармасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бошқарма касаба уюшма қўмитасининг раиси Х.Исаков мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

- Бошқармамиз раҳбарияти касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ҳар йили ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида чора-тадбирлар тузишади. Ўтган йили ҳам аниқ дастур асосида иш олиб борилди. Ишчи-хизматчиларга иш ҳақи, нафақа ва турли мукофот пуллари ҳар ойда узлуксиз бериб борилди. Бошқарма ходимлари ва уларнинг оила аъзоларидан 60 нафар киши бошқарма қошидаги санатория-профилакторияда, 29 нафар киши республикамиздаги хушманзара ва баҳаво санаторияларда дам олдилар. 90 нафар киши эса саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш илмгоҳининг Наманган филиалида ўз саломатликларини тикладилар. Ишчи-хизматчиларнинг 34 нафар ўғил-қизларига Косонсой туманидаги «Шодлик» болалар дам олиш базаларида дам олишлари учун бепул йўлланмалар берилди.

Ўтган йили ишчи-хизматчиларга бозор баҳосидан 30 фоиз арзон нархда 5 тонна гўшт, 12 тонна гуруч, 600 килограмм лимон, 5200 килограмм сабзавот маҳсулотлари тарқатилди. Ходимларга ҳар бир иш куни учун 50 сўмдан пул бериб турилди. Кам таъминланган 70 та оилага бошқарма ҳисобидан 530 минг сўмдан зиёд, касаба уюшмалари маблағидан эса 174 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 11 та ёлғиз оиланинг уй-жойларини сифатли таъмирлашда, яшаш шароитларини яхшилашда, ёрдамга муҳтож 9 та оиланинг хонадонларини бепул газлаштирилишида ўз ҳиссамизни қўшдик. Бошқарма томонидан 7 та фарзанднинг хатна тўйи ўтказилиб, «тўйбола»ларнинг ҳар бирига жамғарма банкидан ҳисоб очилиб 1000 сўмдан пул қўйилди.

Энг муҳими, иш жойларини қисқартирилишига йўл қўйилмади. Бундан, албатта ишчи-хизматчилар мамнун.

Мана, оила йилининг ҳар бир дақиқаси қувончлар билан ўтаяпти. Жорий йилда ҳам ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, ўз вақтида маданий дам олишлари, умуман уларни моддий ва маънавий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун бор куч ва имкониятлардан тўла фойдаланамиз. Яхши кунларни, мамлакатимизда кенг нишонланадиган байрамларни биргаликда ўтказиш анъаналари давом эттирилади.

*«Ишонч» мақолалари изидан*

## МУХБИР АРАЛАШГАЧ

Таҳририятимизга Қамаши туман «Оқрабод» жамоа хўжалигида яшовчи Эркин Бобоқуловдан шикоят хати келди. 1996 йили хўжаликда биринчи, 1997 йили эса учинчи бўлиб бригадамиз режани бажарди. Пахтачиликдаги ютуғимизни жамоа хўжалиги магнитафон билан тақдирлади,-деб ёзади муаллиф. - Режа ошиғи билан бажарилган бўлсада жамоа раҳбари Ҳ.Ҳаитов, бошқарув аъзолари 27 октябрь куни «сен сабабсиз мажлисга қатнашмадинг» деб мени ишдан бўшатишди. Аслида жамоа раҳбарининг розилиги билан мажлисга қатнашмаган эдим. Ноҳақликка чидай олмай жамоа касаба уюшмасига туман касаба қўмитасига, деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят қўмитасига мурожаат қилдим. Бироқ масалага нуқта қўйилмади».

Ким ҳақ? Нега бригадир ишдан бўшатилган? Масалага ойдинлик киритиш учун махсус мухбиримиз А.Самариддинов мутасадди раҳбарлар билан учрашди. Ана шундан сўнг таҳририятимизга агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Қашқадарё вилоят қўмитаси раиси Ю.Мелентьев имзоси қўйилган жавоб хат келди. Унда ёзилишича, 1998 йил 4 март куни «Оқрабод» жамоа хўжалиги бошқаруви мажлиси бўлиб ўтган. Ана шу мажлисда Эркин Бобоқулов мойли экинлар бригадаси бошлиғи этиб тайинланган.

Шу ерда мақолага нуқта қўйилса бўларди. Лекин яхши ишлаб келган бригадир ҳе йўқ, бе йўқ ишдан бўшатилганида касаба уюшма қўмиталари унинг арзига вақтида эътибор беришмагани, фақат мухбир аралашгач ҳақ қарор топгани кишини ажаблантиради.

## «Ишонч»да босилмаса ҳам

Паркент тумани Заркент қишлоғи Тошпўлат Худойбердиевдан туман ҳудудида газ етишмаслиги тўғрисида тушган хат Паркент ҳокимлиги билан биргаликда жойда кўриб чиқилди.

Ҳақиқатда ҳам магистрал газ қувуридан вилоятга келаётган газ босимининг пастлиги сабабли, нафақат Паркент туманида, балки бутун вилоят бўйича газ танқислиги сезилмоқда. Газнинг камлиги ҳолатини «Узтрансгаз» бошқармаси вилоятдаги кимё, энергетика, қурилиш материаллари корхоналарнинг ва аҳолининг газга бўлган қарзининг 7 млрд. сўмдан ошиб кетганлиги билан изоҳланмоқда.

Бу ва бошқа ҳолатлар бўйича соҳаларда ўзаро ҳисоб-китоб олиб бориш йўли билан дебитор қарзларни камайтириш мақсадида вилоят ҳокимлиги вазирликларга ва Вазирлар Маҳкамасига ўз таклифларини юборган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, баъзи корхоналар, туманлар аҳолидан газга бўлган тушумни тўлиқ тўлаб, газ берувчи идораларни қарз қилиб қўйсаларда, магистрал қувурларда газ босими етишмаслиги сабабли «Узтрансгаз» бошқармаси томонидан белгиланган миқдордаги газ билан таъминланмаяптилар.

Вилоят ҳокимлиги ўзаро қарзларни узиш, аҳолидан газ учун пул ундириш ва вилоят ҳудудининг барча шаҳар, туманларида газ босимини кўтариш ва аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

**У.МИРЗАҚУЛОВ,**
**Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи муовини.**

*Спорт*

## «ЎЧ ОЛИШ» БУНДАЙ БЎЛАДИ

14 март куни кўплаб бокс ишқибозлари, мутахассислар зўр қизиқиш билан кутган қувончли воқеа юз берди. Шу куни WBA-Бутунжаҳон бокс ассоциацияси қоидасига кўра бешкарра жаҳон чемпиони, профессионал спортда «Қирол» номи билан шуҳрат қозонган юртдошимиз Артур Григорян ўз унвонини ҳимоя қилиш учун яна рингга чиқди. Унинг навбатдаги рақиби Германиянинг Котбус шаҳри вакили Марко Рудольф эди. Учрашув Гамбург шаҳрида ўтказилди.

Мазкур «жанг»га мухлису мутахассисларнинг катта қизиқиш билан қарашганининг боиси бор, албатта. Биринчидан, Артур шу кунгача профида 23 та жанг ўтказиб, барчасини ўз фойдасига ҳал қилган. Шундан 14 таси муддатидан илгари накаут билан якунланган. Шу тариқа 61 кг вазн тоифасида чемпионлик унвонига «кўз олайтирган» 4 нафар боксчининг ҳам умиди пучга чиққанди. Яна «қирол» Артур елкасидан жиддий жароҳатланганига қарамай ўтган йилнинг 11 октябрида америкалик Дэвид Амстронгни енгиб, чемпионликни сақлаб қолгани ёдингизда бўлса керак. Унинг рақиби Марко Рудольф ҳам чакки эмас. У бир пайтлар ҳаваскор боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган. Энг қизиғи, бундан роппа-роса етти йил аввал, яъни 1991 йил Сиднейдаги жаҳон чемпионати финал учрашувида у Артур Григоряндан устун келиб, олтин медални илиб кетганди. Артур эса кумуш медал билан кифояланишга мажбур бўлганди. Не бахтки, «эски рақиблар» яна финалда учрашдилар. Лекин энди улар профессионал боксчилардир. Кези келганда Марко Рудольф ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Унинг профига ўтганига 3 йил бўлди. Жами 15 жанг ўтказиб, 14 марта ғолиб чиқиб, бир маротаба дурангга эришган. 1996 йили Қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритган. Рудольф 61 кг вазнда дунёнинг энг кучли ўн нафар боксчисидан бири ва WBAнинг чемпионлик камарига биринчи рақамли даъвогарлардан эди. Лекин 14 март куни бўлиб ўтган «жанг» Рудольфнинг умидларини пучга чиқарди.

Икки кучли боксчи ўртасидаги супербеллашув эълон қилингач, Гамбургда матбуот конференциясида Артур кўплаб журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, етти йил бурунги мағлубият учун ўч олажаги ва жаҳон чемпионлигини ўзида сақлаб қолишини маълум қилган эди. У сўзининг устидан чиқди. Жанг кутилгандан-да аъло даражада намойиш қилинди. 6-раундда Артурнинг «темир мушт»ларига дош беролмаган Марко Рудольф жангни давом эттиролмади, таслим бўлди. Шундай қилиб, бешкарра жаҳон чемпиони Артур Григорян олтинчи бор жаҳон чемпиони бўлди ва ўз унвонини яна бир бор эъзозлаб олди. Унинг бу улкан ғалабаси кўпсонли ўзбекистонлик спорт мухлисларига Наврўз туҳфаси бўлди.

**Наргиза ЮСУПОВА**

*Суратда: А. Григорян ўз оиласи билан.*



*Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги*

## Тадбир кўзланган натижани бермоқда

Мамлакатимизда Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Бу муҳим тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётир.

Тадбир бошлангандан буён йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги анча ортди, транспорт ва пиёдалар ҳаракати, серқатнов йўллар ва жойлар вақтида аниқланиб, кўрикдан ўтказилди, транспорт воситаларининг техник тайёргарлиги яхшиланди. Бу ишда кенг жамоатчилик ҳам фаол қатнашмоқда.

Қуйидаги маълумотлар бунинг яққол далилидир: 1998 йил март ойининг 15 кунида республика бўйича 227 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83 та камдир. Йўл-транспорт ҳодисаси туфайли жароҳатланганлар сони ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83 тага камайди. Бу йил март ойининг биринчи ярмида болалар иштирокида 48 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Ўтган йили бу кўрсаткич 75 тани ташкил этганди. 15 кун давомида 34 та бола тан жароҳати олди. Бу эса ўтган йилдагига қараганда 21 та камдир.

Ҳаракат хавфсизлиги ҳар бир инсоннинг ҳаёти, унинг сиҳат-саломатлиги ва тинчлиги билан узвий боғлиқ экан, давлат аҳамиятига молик бу муҳим тадбирни намунали ўтказиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланмоғи даркор.

